

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 5 » апрель 2019 г.

№ 281

Toshkent sh.

**Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш
ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш
механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Умумтаълим мактаблари учун яратилаётган дарсликлар ва ўкув-методик мажмуаларнинг сифатини ошириш, ўкувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш, сифатли дарсликларни танлаш имкониятларини кенгайтириш, рақобатбардош, муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

умумтаълим мактаблари учун яратиладиган муқобил дарсликларни таянч мактабларда 2020-2021 ўкув йилидан бошлаб тажриба-синовдан ўтказсан;

тажриба-синов натижаларидан олинган хulosалар асосида муқобил дарсликлардан фойдаланишни босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чораларини кўрсинг.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофиқлаштирусан.

4. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “5” апредаги
281-сон қарорига
илова

**Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш
ва улардан фойдаланиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом халқ таълими тизимида умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни яратиш, уларни топшириш ва қабул қилиш, экспертизадан ва тажриба-синовдан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тартибини белгилайди.

Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва уларни экспертизадан, тажриба-синовдан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

муқобил дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан битта ўқув фанидан ўқувчиларга тавсия этилган асосий дарсликлар билан бир қаторда алоҳида ёки кўшимча равишда фойдаланиш мумкин бўлган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар;

ижодий жамоалар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни белгиланган талаблар асосида чоп этишга тайёр маҳсулот (оригинал макет) кўринишида тақдим этувчилар, тузувчилар, давлат ва нодавлат ҳамда хорижий ташкилотлар, нашриёт ва матбаа корхоналари, дизайн студиялар ва бошқа ташкилотлар;

оригинал макет – чоп этиш учун босмахонага топширишга тўлиқ тайёр бўлган, барча матн ва график ахборотлар чоп этишгача бўлган тайёргарликдан ўтказилиб, ташки кўриниши ва тузилиши жихатидан якуний босқичга етказилган маҳсулотнинг (нашрнинг) чоп этилган варианти (китоб) ёки электрон кўринишидаги асл нухаси;

экспертлар гурухи – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузурида вазирликнинг бўйруғи билан турли фан йўналишлари бўйича ташкил этиладиган оригинал макетларни баҳоловчи мутахассислардан иборат гурух;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Умумий ўрта таълим тизими учун давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш;

таянч мактаблар – муқобил дарсликларни тажриба-синовдан ўтказиш учун Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган мактаблар;

Ишчи орган – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим маркази Мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи органи.

2-боб. Муқобил дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратиш

3. Муқобил дарсликларни яратишга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) кейинги ўқув йилларида умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари фойдаланишлари учун тавсия этиладиган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг рўйхатини ва яратилиши лозим бўлган муқобил дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларга қўйиладиган талабларни оммавий ахборот воситалари ва вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида мукобил дарсликларни яратишдан бир йил олдин эълон қиласди.

Эълонда тайёр оригинал макетларни топшириш ва уларга қўйиладиган талабларнинг амал қилиш муддатлари кўрсатилади.

5. Мазкур эълонда кўрсатилган талаблар бўйича ва муддатларда муқобил дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг оригинал макетларини яратиш истагини билдирган ижодий жамоалар иштирок этиш таклифини Ишчи органга расмий хат билан тақдим этади ва белгиланган муддатларда оригинал макетларни тайёрлайди.

3-боб. Муқобил дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни топшириш ва қабул қилиш

6. Яратилган (ишлаб чиқилган, тузилган) муқобил дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар оригинал макет ҳолатида Ишчи органга кўриб чиқиш учун белгиланган тартиб ва муддатларда расман тақдим этилади.

7. Ишчи орган тақдим этилган оригинал макетларни қабул қиласди ва расмийлаштиради.

4-боб. Оригинал макетларни экспертизадан ўтказиш

8. Ишчи орган қабул қилиб олинган оригинал макетларни қабул қилинган куннинг ўзида вазирлик хузурида вазирнинг буйруғи билан ташкил этиладиган экспертлар гурӯхига тақдим этади.

9. Экспертлар гурӯхи тақдим этилган оригинал макетларнинг чоп этилган варианти ҳамда электрон нусхаларини вазирлик томонидан тасдиқланадиган баҳолаш мезони асосида улар қабул қилинган кундан

бошлаб икки ой муддатда экспертизадан ўтказади ҳамда тегишли хуносаларни Ишчи органга тақдим этади.

10. Ишчи орган ўтказилган экспертиза натижалариға асосан энг юқори баҳоланган муқобил дарсликларнинг (мажмуаларнинг) оригинал макетларини тажриба-синовдан ўтказишга розилик олиш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгашга экспертиза якунлангандан сўнг 1 ҳафта муддат ичидаги тақдим этади.

5-боб. Муқобил дарсликларни тажриба-синовдан ўтказиш

11. Ишчи орган томонидан муқобил дарсликларни республикада тажриба-синовдан ўтказиш учун таянч умумтаълим мактаблари рўйхати Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилади.

12. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарори асосида муқобил дарсликлар тажриба-синовдан ўтказиш учун таянч умумтаълим мактаблари ташланадиги ва бир ўкув йили давомида тажриба-синовдан ўтказилади.

13. Муқобил дарсликларни таянч умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказиши билан бирга мазмунан, дизайн жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида улар вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида онлайн тарзда кенг жамоатчилик мухокамасига қўйилиб, таклиф ва фикр-мулоҳазалар олинади.

6-боб. Умумтаълим мактаблари учун дарсликларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш

14. Тажриба-синов ҳамда кенг жамоатчилик мухокамаси натижалариға асосан бир ой муддатда ҳар бир фан йўналиши бўйича таклиф-мулоҳазалар Ишчи орган томонидан умумлаштирилади ҳамда дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни тасдиқлаш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилади.

15. Муқобил дарсликлар ва уларни яратган ижодий жамоаларни аниклаш бўйича якуний қарор Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул килинадиги ва қарор тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

Баҳолаш мезонларига кўра, ҳар бир фан учун (фанинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда) қўйилган умумий максимал баллнинг 95 фоизидан юқори балл олган муқобил дарсликлар умумтаълим мактаблари учун ижара тизими асосида яратилган дарсликлар билан бир қаторда ихтиёрий равишда фойдаланишга тавсия этилади, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиги ҳамда электрон тарзда вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

16. Умумтаълим мактабларини муқобил дарсликлар билан таъминлаш ихтиёрий равишда ота-оналар, мактаб педагогик жамоалари ва ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маибалар ҳисобидан амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоида

17. Ушбу Низом юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.



Умумтаълим мактаблари учун рақобатбардош,
муқобил дарслекларни яратиш ва улардан
фойдаланиш тўғрисидаги низомга илова

**Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарслекларни яратиш
ва уларни экспертизадан, тажриба-синовдан ўтказишиш,
тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиши схемаси**

